O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ... 290901 INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 11 SENTABR ◆ SESHANBA ◆ № 111 (26.813)

Ватанимиз истиқлолининг ўн йиллик тантаналари давом этаётган шу кунларда мамлакатимизда яна бир улкан байрам — теннис бўйича «Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги» халқаро турнири бошланди.

ТОШКЕНТДА ТЕННИС БАЙРАМИ БОШЛАНДИ

Мана, бир неча йилдирки, «Президент кубоги» турнири катта муваффақият билан ўтказиб келинмоқда. «АТП-Тур» турнирлари рейтингида мазкур мусобақанинг тобора юқори ўринларга кўтарилиб, нуфузи ортиб бораётгани унга бўлган қизиқишнинг кучайишига олиб келяпти. Бу йил ҳам мусобақани ёритиш учун дунёнинг турли мамлакатларидан кўплаб журналистлар иштирок этаётгани фикримизнинг далилидир.

10 сентябрь куни Тошкентдаги «Юнусобод» теннис кортида «Президент кубоги» халқаро турнирининг тантанали очилиш маросими бўлди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

— Ушбу ажойиб спорт саройида теннис бўйича саккизинчи бор ўтказилаётган «Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги» халқаро турнирининг барча иштирокчилари, ташкилотчилари ва меҳмонларини қутлаш менга мамнуният бахш этади, — деди давлатимиз раҳбари. — Мазкур турнир мамлакатимиз, халқимиз ўз мустақиллигининг ўн йиллигини нишонлаётган ушбу кунларда ўтказилаётгани билан алоҳида аҳамият касб этади.

Президентимиз ушбу мусобақа, энг аввало, дунё теннисининг тан олинган усталари иштирок этаётгани билан ҳам катта нуфузга эга эканлигини таъкидлади. Мазкур теннис усталари ҳақли равишда чиройли, оммавий ва жозибадор бу ўйин мухлислари, айниқса, ёшларимиз ибрат олса арзийдиган кишиларга айланди.



Президентимиз, бу турнирда кўп йиллардан буён мунтазам қатнашиб келаётган атоқли спортчиларнинг номларини алоҳида ҳурмат билан тилга олди. Улар — Евгений Кафельников ва Марат Сафин, Доминик Ҳрбати, Николас Кифер, Марк Россе ва бошқа кўплаб ракетка усталаридир. Ушбу теннисчилар спортнинг мана шу гўзал, жозибадор ва оммабоп тури мухлисларининг муҳаббати ва ҳурмат-эътиборига сазовор бўлганлар.

Бу йил «Президент кубоги» турнирининг соврин жамғармаси янада кўпайди. У 550 минг АҚШ доллари миқдорида белгиланган.

Турнирда йигирмадан ортиқ давлат, жумладан, АҚШ, Россия, Франция, Германия, Италия, Исроилнинг таниқли теннис усталари қатнашяпти. Уларнинг аксарияти дунё теннис рейтингида энг юқори ўринларни эгаллаб турган спортчилардир.

Мусобақада мамлакатимиз шарафини Олег Огородов, Дмитрий Томашевич ва Вадим Куценко ҳимоя қилмоқда.

«Президент кубоги» турнирининг асосчиларидан бири Сассон Какшури мусобақанинг очилиш маросимида таъкидлаганидек, Ўзбекистонда қисқа вақтда энг замонавий талабларга жавоб берадиган кортлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мамлакатимиз жаҳоннинг теннис ўта ривожланган давлатлари сафидан жой олди. Бу эса «Президент кубоги» «АТП-Тур» туркумидаги расмий турнирлар сирасига кириб, довруғининг тинмай ошиб боришида ҳам муҳим омил бўлмоқда. Мазкур мусобақа Осиё қитъасидаги энг нуфузли турнирга айланиб улгурди. Шу боис С.Какшурининг, Ўзбекистонни теннисда Осиёнинг энг етакчи давлатларидан бири, деб атаганида асло муболаға йўқ.

Тошкентда бўлиб ўтадиган мусобақани кузатиш учун мамлакатимизга «АТП» директорлар кенгаши аъзолари Грэм Пирс ва Дэвид Фелгейтнинг келгани «Президент кубоги»нинг нуфузи ўта юқори эканидан яна бир далолатдир.

Давлатимиз раҳбари турнирдаги иштироки учун уларга ҳам миннатдорлик изҳор этди.

Президент Ислом Каримов мусобақани очиқ деб эълон қилгандан сўнг, майдонга таниқли теннисчилар Николас Кифер ва Даниил Вацек чиқди.

Шундай қилиб, «Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги» учун жўшқин мусобақалар бошланди.

■ **Анвар КАРИМОВ, Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбирлари**

■ Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар

«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ»НИНГ АКС-САДОСИ

Маълумки, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали қисқа давр ичида дунё миқёсида ўтказиладиган маданий тадбирлар орасида ўзининг муносиб ўрнини топди. Туркиянинг «ТРТ» халқаро телеканали орқали намойиш этилган «Шарқ тароналари» учинчи халқаро фестивалининг тантанали очилиш маросими Ўзбекистоннинг Париждаги элчихонасида Франция маданият намояндалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари эътиборига тақдим этилди. Унда, жумладан, «Темурийлар санъати ва тарихи» Ассоциацияси, мамлакат радиосининг «France Culture» дастури, «Canal France International» телеканали вакиллари, Францияда яшаб келаётган ватандошларимиз, «Умид» жамғармаси йўлланмаси билан мазкур мамлакатда таҳсил олаётган талабалар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Тўпланганлар Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг фестиваль иштирокчиларига йўллаган табригини тинглаб, Регистон саҳнаси узра намойиш этилган гўзал ва рангбаранг мусиқий чиқишларни мароқ билан томоша қилдилар.

Дунёнинг турли мамлакатларидан ташриф буюрган санъат аҳли ижросидаги куй-қўшиқлар, элимиз дурдонаси — миллий санъатимиз намояндаларининг чиқишлари меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Тадбир ниҳоясида Ўзбекистон Республикасининг «Шуҳрат» ордени соҳиби, Франциядаги «Темурийлар санъати ва тарихи» Ассоциациясининг раиси Люсьен Керен ўзининг қуйидаги фикрларини билдирди:

— «Шарқ тароналари» жуда гўзал ва ўхшаши йўқ анжумандир. Мен кўп фестивалларнинг гувоҳи бўлганман. Бироқ Самарқандда ўтадиган фестиваль ўзгача.

■ **«Жаҳон» АА**

Самимий қутловлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари,

Шонли байрам — Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан ғоят самимий қутловларимни қабул қилгайсиз. Ўзбекистон давлатчилиги қайта тикланганлигининг ўн йиллигини Ватанингизнинг барча ҳақиқий дўстлари нишонламоқдалар.

Қардош ўзбек халқи меҳнат, кураш ва бунёдкорлик билан ўтган ўн йил мобайнида қайтадан қудратли ва гуллаб-яшнаётган давлатни бунёд этди, унинг тутган мавқеи кўп жиҳатдан минтақадаги сиёсий вазиятни белгилаб бермоқда.

Ўзбекистон давлатини ривожлантириш ва тиклашга Сиз Ватан манфаати йўлидаги тинимсиз ва ташаббускор меҳнатингиз билан ғоят катта ҳисса қўшдингиз.

Шуни қайд этиб ўтиш қувончлики, икки томонлама асосда, шунингдек, бир қанча халқаро лойиҳаларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон билан Грузия ўртасидаги самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик ривожланиб, тобора жўшқин тус олиб бормоқда.

Пировардида Сизга ва барча ватандошларингизга янгиянги муваффақиятлар, бахт-саодат ва эзгуликлар тилаб қоламан.

Камоли эҳтиром ила,

Эдуард ШЕВАРДНАДЗЕ,
Грузия Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни нишонланиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига шахсан ўз номимдан ва Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги халқи номидан энг самимий табриклар йўллаш менга катта мамнуният бахш этади.

Сиз, Жаноби Олийларига шахсан ўз номимдан мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, мамлакатингизга эса доимий тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Абдуллоҳ Иккинчи,
Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикасининг Миллий куни муносабати билан Кипр Республикаси халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига ғоят қизғин қутловлар йўллаш менга катта мамнуният бахш этади.

Жаноби Олийлари, Сизга чин қалбдан сиҳат-саломатлик ва омонлик, дўст Ўзбекистон Республикаси халқига эса бундан буён ҳам тараққиёт ва равнақ тилайман.

Кипр билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари келгусида ривожланиб, сифат жиҳатдан яхшиланиб боришига ишончим комил.

Глафкос Клеридис,
Кипр Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЕВРОПА ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ БИЛАН МИКРОКРЕДИТ БЕРИШ ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун халқаро молиявий институтлар ва ташкилотларнинг кредит ресурсларини кенг жалб этиш, кредит беришнинг янги шакллари ва усулларини жорий этиш, тадбиркорлик тузилмаларининг молиявий маблағлар олишини кенгайтириш ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида микрокредит бериш дастурини амалга оширишни жадаллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг техник кўмагида «Ипак йўли» акциядорлик-инвестиция-тижорат банки ва «Ҳамкорбанк» акциядорлик-тижорат банки орқали Кичик тадбиркорлик субъектларига микрокредит бериш бошланғич дастури амалга оширилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг микрокредит бериш дастури доирасини кенгайтириш ва кичик тадбиркорлик субъектларини маблағ билан таъминлашга 20 млн. АҚШ доллари миқдорида (биринчи транш) кредит линиясини очиш тўғрисидаги таклифи;

маҳаллий хомашё ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, хизматлар кўрсатиш соҳасида кичик ишлаб чиқаришларни ривожлантиришни, қўшимча иш ўринларини ташкил этишни, меҳнатга яроқли аҳоли кўп бўлган минтақаларда кичик бизнесни ривожлантиришни, шунингдек республика хотин-қизларининг иш билан банд бўлмаган қисми ўртасида касаначиликни қўллаб-қувватлашни ўз ичига олувчи микрокредит бериш дастурининг асосий йўналишлари маъқуллансин.

3. Белгилансинки:

кичик тадбиркорлик субъектларига Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг кредит линияси маблағлари ҳисобига микрокредит бериш Европа тикланиш ва тараққиёт банки томонидан танлаб олинган тижорат банклари орқали миллий валютада амалга оширилади;

эркин алмаштириладиган валютадаги кўрсатиб ўтилган кредит линияси маблағларини миллий валютага конвертация қилиш тижорат банклари томонидан уларни биржадан ташқари валюта бозорида сотиш йўли билан амалга оширилади;

микрокредитлар бир қарз олувчига 5000 АҚШ долларига тенг миқдордан ортиқ бўлмаган миқдорда берилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг микрокредит бериш дастурида қатнашаётган тижорат банкларига кичик тадбиркорлик субъектларига айланма маблағларни тўлдириш учун нақдинасиз шаклда, шунингдек фақат нақд шаклда қайтариш шарти билан нақд маблағларда микрокредитлар бериш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон Банклар уюшмаси билан биргаликда кичик, хусусий тадбиркорлик субъектларига микрокредит беришнинг кенг кўламли дастурини амалга оширишга тижорат банкларини қўшимча жалб этиш тўғрисидаги масалани Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ишлаб чиқсин.

6. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ўз норматив ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштириш;

микрокредит бериш дастурида қатнашувчи тижорат банкларига кредитларни, айниқса нақд шаклда берилган кредитларни қайтариш устидан қатъий назорат ўрнатиш тавсия этилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.Муллажонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 10 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

КИЧИК КОРХОНАЛАР, ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ МАБЛАҒ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ, МОДДИЙ-ТЕХНИК ТАЪМИНЛАШ, УЛАРГА БОЖХОНА ИМТИЁЗЛАРИ БЕРИШ, БАНК ХИЗМАТЛАРИ ВА БОШҚА ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Кичик ва ўрта бизнес, деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил этишни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда бундан буён жадал ривожлантириш, уларнинг молиявий, моддий-техника ва хомашё ресурслари олишини кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, тижорат банклари янгидан ташкил этилаётган кичик бизнес корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликларини уларнинг дастлабки (бошланғич) сармоясини шакллантиришда ҳар томонлама қўллаб-қувватласинлар.

Белгилансинки:

«Бизнес-фонд»нинг давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушган маблағлар ҳисобига шакллантириладиган кредит ресурсларининг камида 50 фоизи, шунингдек Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси кредит ресурсларининг камида 50 фоизи ҳар йили микрофирмалар ва кичик корхоналар, деҳқон (юридик шахс мақомига эга бўлган) ва фермер хўжаликларининг дастлабки (бошланғич) сармоясини шакллантириш учун тижорат банкларида махсадли кредит линиялари очишга йўналтирилади;

микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон (юридик шахс мақомига эга бўлган) ва фермер хўжаликларига дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантириш учун кредитлар улар давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин 6 ойдан кўп бўлмаган даврда кредит олиш учун тегишли буюртманомалар берган фақат янгидан очилган корхоналарга берилади;

кўрсатиб ўтилган мақсадли кредит линиялари ҳисобига олинган дастлабки (бошланғич) сармоя кичик бизнес субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликларининг фаолиятини бошлаш учун айланма маблағларни шакллантиришга, инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асосланиши ишлаб чиқилишига, асбоб-ускуналар олинишига йўналтирилиши мумкин.

2. Белгилаб қўйилсинки, дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантириш учун кредитлар:

Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг олтидан бир қисми миқдорида имтиёзли фоиз ставкаси бўйича 3 йилгача бўлган муддатга узайтириш ҳуқуқисиз микрофирмалар ва деҳқон (юридик шахс мақомига эга бўлган) хўжаликлари учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 150 баравари миқдоригача ҳамда кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баравари миқдоригача;

фоизлар тўлашни 12 ойга кечиктириш ва асосий қарзни кредит олингандан кейин 18-24 ой ўтгач қайтаришни бошлаш шартларида берилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, «Бизнес-фонд» ўн кун муддатда белгиланган тартибда Бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит линиялари ҳисобига якка тартибдаги тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларига тижорат банклари томонидан кредит бериш тартибига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат мулки қўмитасининг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган, 2001 йил 1 июлдаги ҳолатига кўра белгиланган тартибга мувофиқ «Бизнес-фонд»га йўналтирилган маблағларни қайтариш муддатини, микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг дастлабки (бошланғич) сармоясини шакллантириш учун тижорат банкларида кредит линиялари очишда мақсадли фойдаланган ҳолда, кечиктириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Кўрсатиб ўтилган ресурслар 2006 йилдан бошлаб 5 йил муддат давомида қайтарилиши белгилаб қўйилсин.

4. Хўжалик судларига давлат божини тўлашни кейинчалик айбдор томондан ундириб олган ҳолда уни кечиктириб, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларидан қарзларни ундириш бўйича бюджетдан ташқари жамғармаларининг даъволарини қабул қилиш тавсия этилсин.

5. «Бизнес-фонд» ва Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг кредит ресурсларини кенгайтириш мақсадида 2002 йил 1 январдан бошлаб 2005 йил 31 декабригача бўлган даврга «Бизнес-фонд» ва Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг даромадларига солиқ ставкаси амалдаги ставканинг 50 фоизи миқдорида белгилансин, бўшаб қолган маблағлар кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашга мақсадли йўналтирилсин.

6. 2001 йил 1 октябрдан бошлаб моддий ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасининг микрофирмалари ва кичик корхоналари, фермер хўжаликлари, шунингдек юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжаликларининг ўз эҳтиёжлари учун асбоб-ускуналар, хомашё ва моддий ресурслар импортига божхона тўловларини тўлаши фоиз ундирилмаган ҳолда 90 кун муддатга кечиктирилсин (божхонада расмийлаштириш учун ундириладиган йиғимлар бундан мустасно).

7. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги:

маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш ва хомашёнинг ишлаб чиқиладиган балансларида ҳар йили уларнинг кичик ва ўрта бизнес субъектларини таъминлаш учун ажратилишини назарда тутсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, «Ўзулгуржисавдо» акциядорлик компанияси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси билан биргаликда икки ой муддатда биржа ва ким ошди савдоларида кўрсатиб ўтилган моддий-техника ва хомашё ресурсларини кичик ва ўрта бизнес субъектларига сотишнинг бозор механизмини ишлаб чиқсин ва жорий этсин.

8. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи Кенгаши (Р.Азимов) мазкур қарорнинг бажарилишини ўрганиб чиқсин ва 2002 йилнинг 1 ярим йиллиги якунлари бўйича микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг дастлабки (бошланғич) сармоясини шакллантириш учун йўналтириладиган ресурсларни кўпайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Адлия вазирлиги Давлат матбуот қўмитаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2001 йил охиригача кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик, деҳқон ва фермер хўжаликлари соҳасида қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар тўпламлари қайта нашр этилишини таъминласинлар. Бунда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ишида барча масалалар мутлақо муҳим аҳамиятга эга эканлигидан ва иккинчи даражали вазифалар бўлмаслигидан келиб чиқиб янги тўпламларга янгидан қабул қилинган барча қарорлар киритилиши кераклиги назарда тутилсин.

Кўрсатиб ўтилган тўпламларни тайёрлаш ва нашр этиш учун махсус комиссия ташкил этилсин.

Қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатларнинг қайта нашр этилган тўпламлари биринчи навбатда кичик ва ўрта бизнес субъектларига, деҳқон ва фермер хўжаликларига ҳамда давлат ҳуқуқий тизими органларига, хўжалик судларига ва барча назорат органларига етказиб берилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги кичик ва ўрта бизнес соҳасида тасдиқланадиган, қабул қилинадиган ва жорий этиладиган қонун ҳужжатлари ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар устидан доимий мониторингни амалиётга киритсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги Низомни ҳамда унинг маблағларини жамғариш ва улардан фойдаланиш Тартибини тасдиқлаш ҳақида» 1997 йил 25 октябрдаги 486-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартиришлар тўғрисида таклиф киритсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.Азимов ва Ў.Исмоилов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 10 сентябрь

МИННАТДОРЧИЛИК

БЕПУЛ БЕРИЛАДИГАН БЎЛДИ

Мен, Назарова Насиба, 7-синфда ўқийман. «Ўзбекистон овози» газетасига ёзиб юборган хатимиз беэътибор қолмаганлигидан жуда хурсандмиз. Ниҳоят, бизга преднозолон дориси бепул бериладиган бўлди. Отам анча соғайиб қолдилар. Бу ишда жонбозлик қилган маҳалла оқсоқоли F. Мустафоев, шифокор Fофуров, Абрай Бекмуродовларга миннатдорчилигимизни газета орқали эълон қилишингизни илтимос қилиб

Насиба НАЗАРОВА,
Қашқадарё вилояти Қамаши тумани
«Лангар» жамоа ширкат хўжалиги

ТАШАББУС

ТАЪМИРЛАНГАН МАКТАБЛАР

Сув танқислиги қишлоқ ва халқ хўжалигига салбий таъсирини ўтказмоқда. Шунга қарамасдан саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, фан ва маданият соҳаларида, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, мактабларда, болалар боғча ва ясли-ларида, касалхоналарда ибратли ишлар амалга ошириляпти. Табиий қийинчиликларни бартараф қилиш ишларига республика прокуратураси ва унинг жойлардаги идоралари ҳам камарбаста.

Қорақалпоғистон Республикаси Қонликўл тумани «Бешкўпир» деҳқон фермер хўжалиги бирлашмасидаги ўрта мактаб ҳаддан ташқари шикастланганди. Прокуратура ёрдамида бу мактаб янгидан қурилиб, ўқув йилига битказилди. Қурилишга 15 миллион сўм сарфланди.

Нукусдаги 32-мактаб ҳам таъмирталаб эди. Республика прокуратураси таклифи билан таъмирлаш ишлари бошланди ва учала қаватида катта ишлар қилинди. Ҳатто спорт майдончаси, эски девор ҳам янгиланди. Таъмирлаш ишларига республика Халқ таълими вазирлиги 8 миллион сўм ажратган эди. Шундай қилиб ташаббус кенг қулоч ёйди. Хайрли ишлар бажарилганлигидан барча мамнун.

Реймбой ЕШИМБЕТОВ

Асакаликларнинг «Андижон технологияси»ни пухта ўзлаштирганликлари, пахтачиликдаги илғор усулни такомиллаштирганликлари муваффақият замини бўлди. Пахтанинг саноатбоп, жаҳон андозалари талабига жавоб берадиган навларини экиш ва парваришлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Асакаликларда азалдан бир анъана бор. Улар пахтачилик соҳасида бир неча йилдан буён пешқадамликни эгаллаб, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг табригига сазовор бўлганлар. Бу йил эса бундай ғалабага мисли кўрилмаган қисқа фурсатда эришилди.

— Мана тўққиз йилдирки биз эрта экиб, эрта йиғиштириб олиш бўйича катта тажриба тўпладик, — дейди туман ҳокими Тиловолди Ёқубов. — Биз чигит экишни ҳар доимгидан анча эрта, яъни 6 мартдан бошлаб юбордик. Устига-устак суръатни ошириб, 14 кундаёқ барча майдонларга чигитни муваффақиятли қадаб олдик. Яна бир муҳим жиҳати шуки, март ойининг ўзидаёқ ёғингарчилик йўқлигини ҳисобга олган ҳолда тавакkалига чигит суви ҳам тарадик. Натижада плёнка остида чигитни тўла ундириб олиб тўлиқ гектарлар ҳосил қилдик. Парвариш ҳам шунга яраша бўлди. Вақтида культивация қилинди. Айниқса, суғоришда шарбат усулидан фойдаланилаётганлиги қувончлидир. .

Энг муҳими эндиликда ер ўз эгасини топди. Бугунги кунда қайси фермер ёки оилавий пудратчи билан гаплашманг, ҳар бири 50-55 центнерлик ҳосил ҳақида гапиради. Дарвоқе, манфаатдорлик бўлмаса, юқори ҳосил олишдан не фойда?!

Ўтган йили ҳосилнинг 105 фоизи юқори навларга сотилган эди.



АНЪАНАГА САДОҚАТ

Асака тумани пахтакорлари мамлакатда биринчи бўлиб давлат буюртмасини бажардилар

Деҳончиликда миришкорлик мактабини яратган Андижон вилоятининг Асака тумани пахтакорлари мамлакатда биринчи бўлиб зафар маррасини эгалладилар. Бу билан истиқлолнинг улуғ тўйига улкан тўёна тайёрладилар. 31 август куни Ватан хирмонига 17300 тоннадан зиёд биринчи нав ҳосили топширилди. Ҳар гектар ердан ўртача 28,36 центнердан пахта териб олинди.

Бу йил шу кўрсаткични 120 фоиздан оширамиз. Демак, сифатли маҳсулот етиштирилгани сабабли даромад ҳам юқори бўлади. Бундан ташқари, ерларни келгуси йил ҳосилига тайёрлаш ҳам тезлашади. Эрта ҳосил етиштиришнинг хосияти катта.

Ҳозирги пайтда ҳар бир хўжалик ернинг ҳолати, шароитига кўра нав танлаш имкониятига эга эканлиги ҳаммага маълум. Шу жиҳатдан олганда деҳқонларимизнинг аксарияти экин майдонларига ғўзанинг «С-65-24» нави чигитини жойлаштиришди. Толаси узун, майин, пишиқ, бунинг устига жуда зич. Толанинг штампель узунлиги халқаро стандартларга жуда мос. Бу пахта толаси жаҳон бозорида харидоргир. Кўриниб турибдики, деҳқонларимизнинг даромади янада баракали бўлади.

Улкан «оқ олтин» хирмонига «Ўзбекистон мустақиллиги», «Наврўз» хўжаликлари пахтакорлари шартнома режасини 28 август куни Фарғона водийсида биринчи бўлиб бажариб, муносиб ҳисса қўшдилар. Бобур номли «Шарқ ҳақиқати», «Янги ҳаёт» хўжаликлари деҳқонларининг меҳнатлари ҳам таҳсинга сазовор бўлди. Бобур номли хўжалик раиси Абдуманноп Парпиевнинг айтишига кўра, бу ерда 42 центнерлик хирмон уйилган. Мамадолим Абдуллаев бошчилигидаги пудратчилар эса ҳосилдорликни 50 центнердан оширишди.

Ёз кунларида бўлган катта йиғинда асакалик деҳқонлар пахта топшириш шартнома режасини мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллиги байрами кунига бажаришга сўз бергандилар. Ташаббускорларнинг бугун юзи ёруғ бўлиб, кўнгиллари қувончга тўлди.

Давлат буюртмаси бажарилган бўлса-да, ҳали далаларда ҳосил мўл. Кўсаклар очилмоқда. Пахтазор оқликка, покликка бурканмоқда. Демак, хирмон тоғлари бундан-да юксалади. Аҳдига вафодор асакаликлар давлатга қўшимча равишда яна 6680 тонна пахта сотиб, ҳосилдорликни гектар ҳисобига 40 центнердан оширишга азму қарор қилдилар.

Юртбошимизнинг Асака тумани пахтакорларига йўллаган табригида айтилганидек, меҳнатингиздан, умрингиздан барака топинг, азиз бободеҳқонлар!

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 11 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: */

1 Австралия доллари	217,64	10 Люксембург франки	94,92
1 Австрия шиллинги	27,83	1 Малайзия рингити	111,12
1 Англия фунт стерлинги	617,47	1 Германия маркаси	195,77
10 Бельгия франки	94,92	1 Польша злотийси	100,00
1 Голландия гульдени	173,75	1 СДР	538,22
10 Греция драхмаси	11,24	1000 Туркия лираси	0,30
1 Дания кронаси	51,48	1 Финляндия маркаси	64,40
1 БАА дирхами	114,95	1 Франция франки	58,37
1 АҚШ доллари	422,20	1 Швейцария франки	252,47
1 Миср фунти	99,34	1 ЕВРО	382,89
10 Испания песети	23,01	10 Жанубий Корея вони	3,28
100 Италия лираси	19,77	10 Япония иенаси	35,22
1 Канада доллари	269,67	1 Россия рубли	14,35
1 Хитой юани	51,01	1 Украина гривнаси	79,07

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

«ТЕМУРМАЛИК» ОДИМЛАРИ

Хорижнинг бежирим ва сифатли маҳсулотига ҳавасимиз келади. Баҳоси қиммат бўлса-да, сотиб олишга ҳаракат қиламиз. Чунки у чидамли, қолаверса, харидоргир.

Шўрчидаги «Темурмалик» хусусий корхонаси ҳам хорижникидай маҳсулот ишлаб чиқаряпти. Вилоятда ягона ҳисобланган ушбу корхонада терига қайта ишлов берилиб, 150 турдан ортиқ чарм маҳсулотлари тайёрланмоқда. Ўтган 2000 йилда 3 миллион 610 минг сўмга яқин маҳсулот буюртмачиларга етказиб берилди. Куртка, пойабзал, бош кийим, қўлқоп ва махсус кийимлар арзонлиги, қолаверса, сифат жиҳатидан ҳам барчага манзур бўлмоқда.

Маҳсулотнинг сифатли бўлиши асосан дастгоҳларга боғлиқ. Шу боис, корхона тўлиқ хориж ускуналари билан таъминланди. Жамоа вилоят матлубот жамиятига аъзо бўлди. Айни кунларда вилоятдаги туманлар, барча тайёрлов идоралари, ширкат, деҳқон ва фермер хўжаликлари терини «Темурмалик»ка топширишмоқда. Шунингдек, корхонани кенгайтириш, 150 кишилик иш ўринлари ташкил этиш мўлжалланмоқда. Бунинг учун 15 миллион сўм кредит олинади. Ушбу корхона тўлиқ қувват билан ишласа, бир кеча-кундузда 160-180 бош қорамол, 500 бошдан ортиқ қўй ва эчки терисига ишлов берилади. Бу йилига ўртача 100-120 миллион сўм фойда демакдир.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

ХДП ҲАЁТИ

БАЙРАМ. ТАДБИР. ФАХРИЙ ЁРЛИҚ.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб жойларда тантанали тадбирлар, қизиқарли учрашувлар ўтказилди ва ўтказилмоқда.

Шундай тадбирлар ЎзХДП Сирғали туман Кенгаши томонидан ўтказилди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясига қарашли «Кетринг», «Тошкент халқаро аэропорти» ҳамда тумандаги 3-автокомбинатда ўтказилган тадбирлар шулар жумласидандир. Тадбирларда бир қатор партия фахрийлари ва фидойи ёшларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

С. АБДУЛЛАЕВА, ЎзХДП Сирғали туман Кенгаши ҳисобот бўлими мудираси

2001 йил — «Оналар ва болалар йили»

Бош шифокор Умида Файзиева (ўртада) ва шифокор Гулхумор Аҳмаджонова янги туғилган чақалоқни кўрикдан ўтказишмоқда.

Улуғ айём кунида Машҳура Зокирова оиласида бир йўла эгиз — Фотима-Ҳусанлар дунёга келишди.

Ҳамширалар Фаина Асилова ва Ильмира Дадановалар ўз ишидан мамнун.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

СОҒЛОМ ФАРЗАНД — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

Бугун келажак ворисларини ҳар тарафлама соғлом қилиб тарбиялаш, бунинг учун эса оиладаёқ соғлом турмуш тарзини шакллантириш йўлидан борилмоқда. Демак, бу ўринда гўдакларнинг дунёга келиши, қолаверса, илк парваришини амалга оширадиган муассаса — туғруқ комплексларининг аҳамиятини алоҳида қайд этиш ўринли.

Пойтахтимиздаги 3-туғруқ мажмуаси бу йўлда эътиборга молик ишларни амалга оширмоқда. 120 ўринга мўлжалланган мазкур муассаса айни пайтда шаҳардаги кўзга кўринган туғруқхоналардан ҳисобланади. Негаки, бу ерга келаётганлар яратилган шарт-шароитнинг яхшилиги, айниқса, шифокор ва ҳамшираларнинг хушмуомалалиги, ўз ишининг билимдони эканлигидан мамнунлигини айтишади.

Бу билан ҳамма иш кўнгилдагидек экан-да, деган хулосага келишга эрта. Буни бош шифокор Умида Файзиеванинг сўзларидан ҳам билса бўлади.

— Айрим аёлларнинг ҳомиладорлик пайтида соғлиғига етарли эътибор бермаслиги баъзан бизни қийнаб қўяди, — дейди у. — Шундай бўлса-да, бу муаммони ечишга ҳаракат қилаяпмиз. Ҳозирда маҳаллаларда шифокорлар иштирокида турли тадбирлар ўтказишни йўлга қўйдик. Бундан ташқари, аёлларни тез-тез тиббий кўрикдан ўтказиб, уларга тегишли маслаҳатлар бериб бораяпмиз. Бироқ ҳалигача баъзилар ҳомиладорлик фарзандни она қорнидаёқ тўғри тарбиялаш даври эканлигини билишмайди. Агар аёлларимиз шу нарсага эътибор беришса, бу энг катта ютуғимиздир.

Дарҳақиқат, соғлом келажакни соғлом фарзандлар яратади. Бундай фарзандлар эса фақатгина соғлом ота-онадан дунёга келади. Шундай экан, келажакка масъул ҳар қандай шахс биринчи галда ўз саломатлигини назорат қилиб бориши зарур.

Замонавий тиббиёт доимо янги амалиётлар билан тўлдириб бориладиган соҳа. Шифокорлардан биринчи навбатда билим ва савия талаб этилади. Билим эса ўз-ўзидан бойиб қолмайди. Уни ошириш учун мунтазам малака ошириб бориш лозим. Ушбу қоидани 3-туғруқ мажмуаси мисолида кўрадиган бўлсак, бу ерда унга асосий масала сифатида қаралади. 44 нафар шифокор ва 152 нафар ўрта тиббий ходимларнинг малакаси мунтазам равишда ошириб борилади. Ҳар бир ходим ўз ишини пухта билганлиги сабаб бу ерда ноҳуш оқибатларга олиб келувчи воқеалар деярли учрамайди. Буни туғруқхонада 3-4 йилдан бери бирон марта оналар ва болалар ўлимининг қайд этилмаганидан ҳам билиш мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, авлодлар бардавомлигига масъул бундай даргоҳлар нечоғлик муҳим аҳамиятга эга бўлмасин, улар бир нарсага — ўша юртнинг, ўша миллатнинг келажагини таъминлашга хизмат қилади.

Муҳаммад НАЗАР

ЭЪЛОН

Республика Кўчмас мулк биржаси савдоларига қўйилган Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, «Тўёна» кўчаси, 1 манзилда жойлашган 5-сонли Автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси ўтган ҳафтада ўтказилган биржа савдосида сотилди.

Газетамизнинг шу йил 24 февраль сонида «Ижарачи нега сарсон?» сарлавҳали мақола чоп этилган ва унда китоблик ижарачи на ҳақини, на ишлаш учун ер ололмаётгани кўрсатилган эди. Ижарачининг отаси — кекса муаллим Ҳаким Эргашевдан яна хат келди. Унда шундай сўзлар бор

«КИМГА АРЗ ҚИЛАЙЛИК ЭНДИ?»

«Сизлар букилган қаддимиз, руҳимизни кўтардингизлар. Бунинг учун ҳамиша миннатдормиз. Афсуски, туманда бизни ҳимоя қиладиган кишилар топилмади. Туман ва вилоят суди адолатсиз қарор чиқарди. 1996 йилда 2 гектар ер сўрадик — беришмади. 1999 йилда деҳқон-фермер хўжалиги тузиш учун хўжаликка ариза бердик. На меҳнатимизга яраша ҳақ олдик, на ишлашга ер. Ҳеч ким «келинглар, ижарага ер олиб, ишлаб туринглар», деган эмас. Ҳужжатларни Тошкентга олиб боришга имконимиз йўқ.

Кўп ўтмай Қашқадарё вилоят прокуратурасининг Китоб туман судининг 1999 йилги қарори ва вилоят судининг ажримини бекор қилишга асос йўқлиги, шунинг учун протест келтириш лозим топилмаганлиги ҳақидаги хатини ҳам олдим. Бу орада ижарачи Дилшод Эргашев отаси бетоб эканлиги, мени сўраётганини айтди. Вақт топиб бордим.

Илк бор қишлоқ муаллими бўлган Ҳаким аканинг уйини кўрдим. Пенсия ҳисобидан кун кечиришаяпти. Бир бош сигирлари бор экан. Тоғни урса талқон қилгудек ўғиллари Дилшод беиш.

— Раҳмат ука, кўнглимни кўтардингиз, — дейди Ҳаким ака. — Эл-юрт олдида юзимиз ёруғ бўлди. Чунки ҳалол ҳақимиз ва ҳуқуқимиздан бошқа ҳеч нарсани талаб қилиб, ёзган эмасмиз.

— Бугун сизларнинг тақдирингиздан кўп киши хабардор, — дейман унга. — Бироқ суднинг қарорини бекор қилдириш ваколатига эга эмасмиз. Вилоят прокуратурасининг хулосасидан хабардормисиз?

— Уни гапириб ўтирманг, — дейди Ҳаким ака. — Кўп вақтдан буён не-не ташкилотлар остонасида сарғайиб, ҳақиқатга етиш йўлини ахтардим. Юртбошимизнинг вилоятимиз деҳқонлари билан учрашувларидаги гаплари юрагимни эритди. Ана, Андижонда ижарачилар хирмондан ўз буғдойларини олишди-ку! Туманимизда ҳам шартномада кўрсатилган доннинг бир қисми берилди. Бу — шартномага, қонунга, меҳнаткашга ҳурматдир. Энди нима қиласиз, дейсизми? Яқинда Дилшоджон «Ҳуррият» газетасини олиб келди. Унда чироқчилик Абрай Худойберганов узоқ вақт қурашиб, етказган маънавий зарарни ундириб олгани ёзилган экан. Адолатнинг тикланишига республика Бош прокурорининг протести сабаб бўлибди.

Мен кўп шикоятчилар билан учрашганман. Бироқ, Ҳаким ака ҳам, ўғли Дилшод ҳам уларга ўхшамайди. Гаплари ҳам ҳақиқат. Масалан, қурғоқчиликка қарамай, бу йил Китоб туманида ғалла ҳосили мўл бўлди. Шартнома мажбуриятлари ошириб адо этилди. Бироқ... Бунга ҳокимнинг «ғаллакор шартномада ҳосили ўрилмаган ғаллазорни ўлчаб олаётганини кўрган биздаги деҳқон индамай ўтирадими? Шартнома — қонуний ҳужжат. Уни томонлар бажариш учун имзолайдилар. Андижон тажрибаси тўла амалга ошмас экан, вилоятда дон етиштириш кўзланган маррага ҳеч қачон етмайди. Шартнома асосида ишлаш — мамлакат деҳқончилиги тақдирини ҳал қилувчи омилдир. Чунки кўрсатилган ҳақини маҳсулот билан олади», деган гапи ҳам сабаб бўлди. Кўп эмас, ярмини бўлсада олишди. Бугун Андижондаги ижарачи шартномани бажаргач, ҳатто ижарачи шартномани бажармаса, ўз ҳисобидан тўлайди. Ҳуқуқий ҳужжатга, бинобарин қонунга ҳурмат ана шундай тарбияланади. Қоғозга ёзиш ёхуд минбарда беҳуда сафсата сотиш билан эмас. Буни ҳам чидаганга чиқарган.

Аммо Мейлиқул Бобоев номли хўжаликнинг раҳбарлари 1995 йилда бунга чидашмади. Ижарачи Дилшод Эргашев билан 4 гектар ердан 35 центнердан дон етиштириш, режадан ошганини ўзига бериш юзасидан шартнома тузиб, шартнинг устидан чиқмади. Чунки ижарачи қарийб 70 центнердан ҳосил олган эди. Ижарачининг қолган 60 фоиз ҳақини ҳар кило буғдойни 3 сўм 30 тийиндан баҳолаб, пул тўлаймиз, деб туриб олишди. Ижарачи қолган 6288 килограмм буғдойнинг ўзини талаб қилди. Натижада ер ҳам берилмади. 1997 йилда 5 гектар ердан 50 центнердан пахта етиштириб, қарздор бўлиб чиқди. Охир-оқибат, ижарачи 1999 йилда судга мурожаат қилди. Китоб туман судининг 1999 йил 4 январда чиқарган ҳал қилувчи қарори ва вилоят судининг ажримида нималар ҳисобга олинмади?

МАВЗУГА ҚАЙТИБ

Бу ҳақда олдинги мақолада атрофлича фикр юритганмиз. Уларни такрорламаймиз. Бироқ суд даъвогарлар талаби билан аудитор тузган ҳужжатларига мутлақо эътибор бермаганини айтмоқчимиз холос. Масалан, аудитор ишлатилган заҳарли химикатлар учун хўжалик ҳисобчилари кўрсатган 7920 сўм эмас, балки 4623 сўм маблағ ишлатилганлиги, техника харажатларига 2003 сўм қўшиб ёзилганлигини аниқлаган. Судьяни булар, ҳатто ижарачи Д. Эргашев касаба уюшмаси аъзоси бўлмай туриб, бадал тўлагани, шанбаликка қатнашмаса ҳам пул ушлангани каби ҳолатлар ҳам асло қизиқтирмаган. Ижарачи шартномани ошириб бажариб, режалар уддалангандан кейин, хўжалик бошқарув ҳайъати битта қарор билан қонуний ҳужжатда битилганларни йўққа чиқараяптики, суд буни ҳақ, деб топмоқда.

Отаси Ҳаким ака ва оиласи билан ер олиб, деҳқончилик қилди. 70 центнердан дон, 50 центнердан пахта етиштириб, ҳақиқий деҳқон бўла олишини исботлади. Бироқ унинг ҳақини бир қанча вақтдан буён беришмади. Майли, бу масаланинг охирги қонуний ечими (қандай бўлишдан қатъи назар!) юқори ҳуқуқни муҳофаза қилиш маҳкамаларида кўрилар. Дилшоднинг бобоси, амакилари шу хўжаликни оёққа турғазиш учун озмунча хизмат қилишганми? Вилоятдаги мутасаддилар масалага шу кун талаби асосида ёндошади, деб умид қиламиз. Негаки, ислоҳотлар инсон учун, унинг яхши турмуши учундир.

Юнус УЗОҚОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

ТАҚДИМОТ

ЖАНУБИЙ ТАНДИРЧА КОНИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

Бу ерни бежиз «Тандирча» дейилмас экан. Қуёш тафти қайтиб қолган бўлса-да, ҳамон иссиқ, гўё тандирдан олов пуркаётгандек жазирама. Замин ўша-ўша: азалий янтоқ, исириқ, тош ва қумлар бағрида ҳансираб ётибди.

Табиатнинг мўъжизасини қарангки, худди шундай яйдоқ ҳудудлар остида бойликлар яширинган. Гўё ҳаёт тўхтаб қолган, ўт-ўлан ва тошлардан бошқа нарса йўқдек азалий бу заминда ер ости газга бойлиги 80-йиллардаёқ аниқланган эди. 90-йилларнинг бошида ниҳоясига етган геология-қидирув ишлари бу ерларда катта газ конденсати борлигини кўрсатди.

Яқинда Жанубий Тандирча кони саноат асосида ишга туширилди. Бу ердаги мавжуд газ конденсатини қазиб олиш учун дастлабки олтита қудуқ ишга туширилди ва суткасига 1,5 миллион куб метр газ 41 километрли қувурлар орқали Шўртан газ ва конденсат конига етказиб берилмоқда. Йил охирига қадар бу ердан 500 миллион куб метр газ етказиб берилади.

Шу муҳим воқеага бағишланган тақдимот маросими Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманидаги Жанубий Тандирча конида бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимияти, лойиҳачилар, бурғиловчилар, қурувчилар, ишга туширувчилар, газни қайта ишлаш корхонаси вакиллари, кенг жамоатчилик иштирок этди.

Тантанали йиғилишда «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси раисининг ўринбосари, «Ўзнефтгазқурилиш» акциядорлик компанияси бош директори Б. Ҳафизов йиғилганларни катта зафар билан қутлади ва бу муҳим иншоотни фойдаланишга топширишда алоҳида жонбозлик кўрсатган геологлар, лойиҳачилар, қурувчилар, ишга туширувчиларга миннатдорчилик билдирди, уларга қимматбаҳо совғалар топширди. Бу объект қурилишини «Нефтгазқурилишремонт» акциядорлик жамияти, «Тошнефтгазқурилиш» трести, «Мубораknефтгазмонтаж» ташкилотлари олиб бордилар.

Тантанали маросим сўнггида Жанубий Тандирча кони газ қувурлари тармоғининг иккинчи навбатини улаш ишлари бошлаб юборилди.

Келгусида бу ерда қудуқлар сони 24 та бўлади, газ етказиб бериш тармоғининг иккинчи навбати ишга туширилгач, йилига 2 миллиард куб метр газ қазиб олинади.

Ўзбекистонимиз нефть ва газ саноати тармоғида муҳим ўрин тутган Жанубий Тандирча конининг ишга туширилиши Шўртан газ қазиб олиш мажмуини газ билан қўшимча таъминлаш ва Шўртан шўъба корхонасининг барқарор ишлашига имконият яратади.

■ **Собиржон САЛИМОВ,**
«Ўзбекнефтгаз» компанияси матбуот маркази раҳбари

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилнинг биринчи ярими якунларига бағишланган йиғилиши фаровонликни ошириш, иқтисодий-ижтимоий масалаларга эътиборни кучайтириш, кичик ва ўрта бизнесга бўлган муносабат билан боғланишга ойдинлик киритди. Боиси, ислоҳотлар муваффақияти мазкур соҳа йўналишида ташланаётган қадам ҳамда яратилаётган зарур шарт-шароитларга боғлиқ-да!

Бунинг банклар учун асосий жиҳати нима? Хўш, айнан шу масала ўзининг ечимини «Савдогар банк»нинг Бухоро вилояти бўлимида қандай топмоқда? Банкнинг бўлим бошлиғи Фахриддин Шамсиддинов билан суҳбатимиз шу хусусда бўлди.

ТАДБИРКОРГА ТАЯНЧ БЎЛАЙЛИК

— Фахриддин Сайфиддинович, халқимиз банкларни барака манбаи, деб ҳисоблашади. Ҳозирги кунда, яъни иқтисодиётнинг глобаллашуви жараёнида банклар олдида турган вазифалар ҳақида нима дея оласиз?

— Ярим йиллик якунларига бағишланган йиғилишда давлатимиз раҳбари ислоҳотларнинг бориши ҳақида тўхталиб, ривожланган мамлакатлар кичик ва ўрта бизнесга кенг йўл очгани боис муваффақиятга эришаётганларини алоҳида таъкидлади. Ҳақиқатдан кичик ва ўрта бизнес ҳар қандай ривожланган давлат иқтисодиётининг асосий таянчи ҳисобланади. Хусусий тадбиркорлик миллий иқтисодиёт равнақи ҳамда давлат тараққиёти, шу жумладан миллий фаровонликка эришиш йўлидаги ишлар самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади.

Банкимиз мустақиллик фарзанди саналади. У ўз фаолиятини бошлагандан буён тадбиркорлар таянчи, ишончли ҳамкори бўлишига, вилоятда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш борасида қадам ташлаётганларни қўллаб-қувватлашга камарбаста бўлиб келаётир. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, шу йилнинг 1 август ҳолатида жами 950 мижозга хизмат кўрсатдик. Шундан 70 фоизи кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектлардир.

Халқимизда театр кийим илгич хонасидан бошланади, деган нақл бор. Банк-чи? Банкда эса бундай илиқлик остонадаги илк муомаладан бошланади.

— Ҳар қандай мижознинг молиявий истагини дарҳол қаноатлантиришнинг ўзи бўлмас? Қоғозбозлик дегандай....

— Фикрингизни тушундим. Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнеснинг молиявий ресурсларидан фойдалана олиш имконияти, кредит бериш жараёнини соддалаштириш масаласининг ҳамон долзарб бўлиб турганини айтмоқчисиз-да. Дарҳақиқат, бу борада анча ишлар олиб бориляпти. Зеро, биз ҳуда-беҳуда кредитлар бериш тарафдори эмасмиз, чунки уларнинг бир қисми охир-оқибатда қайтарилмай қолиши мумкин. Бизга мурожаат қилаётган мижозлар тадбиркорларнинг мақсадлари аниқ режа билан асосланган учун ҳам улардан банкдан ноумид қайтаётганлари йўқ. Шу йилнинг етти ойида банк бўлимига кредит олиш истагини билдириб, 32 киши ариза берди. Уларнинг талаби қондирилиб, 69,1 миллион сўм кредит берилди. Унинг 41 миллиони эса реал секторга йўналтирилган.

Амир Темур бобомиз айтганларидек, ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби бўлган, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан афзалдир. Шундай экан, биз тадбиркорларга мудом мададкор, суянч бўлишимиз даркор. Вилоятимизда улар сафи кун сайин ошиб бораётгани қувонарлидир.

— Айтингчи, банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқаришга берилган кредитларнинг самараси қандай бўлмоқда?

— Ҳамма гап шунда-да. Берилган кредитдан ўринли фойдаланган кўпгина тадбиркорлар янги иш жойлари яратмоқдалар. Буни кўрганлар банкнинг барака манбаи эканлигига тўла ишонч ҳосил қиладилар. «Озод» хусусий фирмасига ажратилган 16,2 миллион сўм кредит ҳисобига корхонада 44 киши иш билан таъминланди. Фирма жамоаси олинган қарз эвазига мармар плиткаларни кесиш ва силлиқлаш ускунасини хориждан харид қилди. Биргина бу эмас, улар тарихий обидаларни таъмирлаш учун ишлатиладиган обиғишт қуювчи хумдонни ҳам янгилаб олдилар. Банк мижози бўлган «Аҳмад бобо-96» хусусий фирмасига эса Бухоро туманида кичик ғишт заводини ўрнатиш ҳамда хом ва пишиқ ғиштлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида, технологик линия сотиб олиш учун 5 миллион сўмлик инвестиция кредити ажратилганди. Ҳозир бу ерда ҳар куни 10 минг дона пишиқ ғишт ишлаб чиқаришда 88 йигит-қиз меҳнат қилаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тижорат банкларининг кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида бўлимимизда имтиёзли кредит жамғармаси ташкил қилинган. Шу жамғарма ҳисобидан ўтган етти ойда хусусий тадбиркорларга 6,5 миллион сўм микрокредитлар ажратилди. Жаҳон андозаларига тўла мос келадиган босмахона маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун «Ризограф» хусусий фирмасига 2,5 миллион сўм имтиёзли микрокредит бергандик. Фирма бу қулайлик эвазига кичик босмахонали бўлди. 6 киши ишлаётган босмахона маҳсулотига харидорлар бисёр. Шунингдек, хусусий тадбиркорлар Н. Раҳимов, С. Қандоҳоров, Ш. Амонов, «Отамурод Шомми», «Жумабобо» фермер хўжаликларига ҳам 1,3 миллион сўмлик имтиёзли кредит берилди.

ИСЛОҲОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

— Эшитишимча, банкнинг Қоракўл бўлимидан мижозлар айниқса миннатдорлар. Бунинг боиси нимада?

— Аввало, кадрларни танлашда хато қилмаганмиз. Иккинчидан, барча бўлимларимизда «Халқимиз, миллатимиз дардига малҳам бўлайлик!» шиори остида иш юритилади. Шу боис бу ерда мижозлар билан алоқа жуда яхши. Биргина шу йилнинг ўтган даври мобайнида бу чекка туманнинг 54 тадбиркорига 98,8 миллион сўм узоқ ва ўрта муддатли кредитлар ажратилган. Шунинг 65 фоизи — 64,2 миллион сўми 50 та кичик ва ўрта бизнес субъектларига тўғри келади. 24 та кичик ва ўрта бизнес корхоналарига эса 26,3 миллион сўм миқдорида микрокредитлар берилди ҳисоб. Туманда фаолият кўрсатаётган «Уста Алижон» хусусий корхонаси мактаб ўқувчилари учун парта, стол-стуллар ишлаб чиқаришнинг ҳаддини олишган. «Уста Алижон» маҳаллий хомашёдан мебель ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун олган 1 миллион сўм кредити билан қаддини ростлаб олди. «Камолиддин Беҳзод» хусусий ишлаб чиқариш корхонасининг довруғи қисқа муддатда мамлакатга ёйилди. Корхона банкдан олган 6,9 миллион сўм узоқ муддатли кредит ҳисобига маҳаллий хомашёдан шифер ишлаб чиқарадиган ускуналар сотиб олиб ўрнатди. Бу кичик завод бошқа корхоналардан бутунлай фарқ қилади. Чунки, бу ерда асбест қоришмасидан эмас, балки маҳаллий хомашё — жун, цемент, оҳак, ПВА елими қоришмаларидан шифер ишлаб чиқарилмоқда.

— Банк ўз маблағларини кўпайтириш борасида қандай ишлар олиб бормоқда?

— Асосан аҳоли бўш пул маблағларини омонатларга жалб этишга эътиборни қаратяпмиз. Омонатнинг «Талаб қилиб олгунча», «Муътабар аёл», «Номи кўрсатилмайдиган» турлари мавжудки, улар банк капитали ортиб боришига хизмат қилади. Агар 2000 йилнинг 1 августида аҳоли омонатлари 16,9 миллион сўмни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич ҳозирга келиб 82,3 миллион сўмдан ошди. Бу омонатларнинг банк активларидаги салмоғи 30 фоизни ташкил этаётганини кўрсатади. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, кичик ва ўрта бизнес субъектлари орасида ўз истиқболини банкимиз молиявий мададида кўраётганлар сони кўпаймоқда. Банкнинг молиявий кучи унинг ўз маблағ ресурсларини қанчалик кўпайтиришига боғлиқ. Президентимиз таъбири билан айтганда, банклар учун хусусий тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектлари орасидан ишончли мижозлар доирасини шакллантиришимиз даркор. Бунинг учун эса мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлаган юртимизда барча шарт-шароитлар муҳайё!

■ **Суҳбатдош:**
Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири



ЕВРО ЯҚИНЛАШМОҚДА

2002 йилнинг 1 январидан бошлаб Европадаги 12 мамлакатнинг пул бирлиги бўлган евро чакана савдо муомаласига киритилади. Яқинда Европа марказий банкининг штаб квартирасида янги купюраларнинг расмий намойиши бўлиб ўтди. Ҳозир муассасаларни нақд евро билан таъминлаш ишлари қизғин кетмоқда. Шу пайтгача ҳақиқий евроni сохта евродан қандай ажратиш атайлаб сир сақланаётган эди. Чунки маълумотларга кўра, сохта пул ясовчилар пул алмашиши жараёнида мўмай даромад орттиришга кўз тикишган. Шунга қарамасдан европалик экспертлар хавфсираган воқеа барибир амалга ошди. Таъминлаш жараёни кетаётган бир пайтда Гисен яқинида инкассатор автомобилига ҳужум уюштирилган ва босқинчилар немис маркалари билан бир қаторда кўп миқдордаги евроni ҳам қўлга киритишган.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, Европадаги бу пул алмашиши дунёдаги энг катта ҳажмдаги пул алмашиш жараёни бўлиши лозим.

ТАШРИФ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Хитой ҳукумати АҚШ Президенти Жорж Бушнинг мамлакатга ташрифи арафасида Хитой диссидентларидан бирини АҚШга кетишига йўл очиб берди. Маълумотларга кўра, ўн йилдан кўпроқ меҳнат лагерларида бўлган Ян Цзиньхэн Пекиндан Сан-Франциского учиб кетган. Гонконгда жойлашган «Демократия ва инсон ҳуқуқлари ахборот маркази»нинг хабар беришича, Буш ташрифи яқинлашгач, яна бир қатор диссидентлар озод қилиниши ёки мухожирликка жўнатилиши мумкин.

АКУЛАЛАР ЯНА ҲУЖУМДА

Дунё матбуоти саҳифаларини яна акулаларнинг одамларга нисбатан бўлаётган ҳужумлари ҳақидаги хабарлар эгалламоқда. Бироқ бу борада мутахассислар — океанологларнинг фикрича, матбуотда вазиятни бироз кўпиртиришга мойиллик кучли. Шу сабаблидир Би-Би-Си ҳақиқий вазиятни ўрганиб чиқди. Хулосага кўра, ҳар йили дунёда 70 дан 100 маротабагача акулалар ҳужуми қайд этилади ва бу ҳужумларнинг ўн бештачаси ўлим билан тугаши мумкин. Масалан, 2000 йилда акулалар 10 кишининг ҳаётига зомин бўлишган. Бироқ 1990 йилдан бошлаб акулалар ҳужуми тобора кўпаяётганини инкор қилиб бўлмайди.



Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки марказий аппарати ва ҳудудий бўлимларини малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги мутахассисликлар бўйича

BANK XALQ BANKI

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

– БУХГАЛТЕР; – БАНК ИШИ;
– ИҚТИСОДЧИ; – АУДИТ;
– МОЛИЯ ВА КРЕДИТ; – ҲУҚУҚШУНОС.

Танлов олий маълумотли банк мутахассислари ва мутахассислик бўйича иш стажига эга бўлган ходимлар доирасида ўтказилади. Сиз банк соҳасида ишлаш ниятингиз бўлса, Халқ банки марказий аппарати ва ҳудудий бўлимларига мурожаат қилишингиз мумкин. Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефон рақамлари орқали олишингиз мумкин:

173-69-15,
78-78-15

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАНКИ

ИНСОН ВА КАШФИЁТ

Альфред Нобелнинг васиятномаси эълон қилингандан кейин турли-туман, бир-бирига зид талқинлар, мулоҳазалар айтила бошланди. Швеция матбуоти Нобел мукофотларини бериш коррупцияга олиб келиши мумкин, деган хавотир билдирди.

НОБЕЛ ЖАМҒАРМАСИ ВА УНИНГ «ЭГАЛАРИ»

Швециялик миллатчилар Нобелни космополитизмда айбладилар, чунки унинг васиятига кўра мукофот номзодларнинг миллатига, эътиқодига ва бошқа хусусиятларига қарамай берилиши лозим. Ҳатто васиятномани йўқ қилишга ҳам интилдилар. Ташаббус Нобелнинг энг яқин қариндошлари — акаларининг ўғилларидан чиққан. Васиятни бажарувчи икки шахс — котиб Рагнар Солман ва адвокат Рудольф Лиллеквист ворислар билан юзма-юз тўқнаш келишди.

Альфред Нобелнинг ўз оиласи бўлмаган, ворислар эса бой амакиси қилиб кетган кўнгилсиз ишдан ҳайратландилар.

Ҳал қилиниши лозим энг биринчи масала — ишни тегишли суд идораси кўриб чиқиши учун Альфред Нобел яшаган жойни аниқлаш эди. У Швециядан 9 ёшида чиқиб кетган, 30 ёшида қайтиб келиб, тез орада динамит ишлаб чиқарадиган йирик заводлар жойлашган Гамбург шаҳрига кетган. 1873 йилда Европанинг маданият ва ишбилармонлик маркази ҳисобланган Парижга кўчади. У ерда Нобел 17 йил яшади, кейин Италиянинг Сан-Ремо шаҳрига кетади. 1894 йилда марказий Швециянинг Бофорс шаҳридан завод ва унинг яқинидан уй-жой сотиб олади.

Бу масалани Стокгольмдаги ва Париждаги турли суд идоралари кўриб чиққандан кейин, пировардида, Альфред Нобел яшаган жой деб Бофорс тан олинди ва васият масаласи Карлскуга вилоят маркази судига оширилди. Бу — васиятнома ижрочиларининг биринчи ютуқлари бўлди.

Нобелнинг қариндошлари манфаатини кўзлаган парижлик юристлардан фарқли ўлароқ, ижрочиларнинг Карлскугадаги ҳамкасабалари васиятномани бажаришга мойил бўлдилар.

Суд иши чўзилиб кетди. Айни вақтда Рагнар Солман ворисларнинг ҳар бири билан алоҳида-алоҳида музокара олиб борди ва нихоят, Людвигнинг ўғли, Россияда қолиб кетган Нобеллардан яккаю ягона Эммануэл Нобелни кўндирди. Боку нефть корхоналарини бошқариб турган бу ворис ўз улушидан воз кечди ва, ўз навбатида, амакиваччаларини ҳам кўндирди. Ҳамма жиянлар меросдан воз кечиб, оз миқдорда компенсацияга рози бўлишди.

Шундай қилиб, васиятноманинг қонуний кучи тасдиқлангандан сўнг Лиллеквист ва Солман бўлажак Нобел жамғармасининг уставини ишлаб чиқишга киришдилар. Бу пайтгача улар васиятномага амал қилган ҳолда, шов-шув кўтармасдан Альфред Нобелга тегишли корхоналарни сотиб, акциялар ва қимматбаҳо қоғозлар тўплаётган эдилар. Устав лойиҳаси тайёр бўлгач, Швеция парламентига тақдим этилди. Ниҳоят, 1900 йил 29 июнда Альфред Нобелнинг ғояси амалга ошадиган бўлди. Жамғарма тузилди.

Устав мукофотларни берадиган тўртта муассасанинг фаолиятларини белгилайди: Швеция қироллик Фанлар Академияси физика, кимё, 1969 йилдан бошлаб, иқтисодиёт соҳасидаги мукофот совриндорларини аниқлайди; Қироллик Каролина тиббиёт-хирургия институти физиология ва медицина соҳасидаги мукофотларни ҳал қилади; Швеция Академияси адабиёт соҳасидаги мукофотларни беради; Норвегия парламенти томонидан сайланадиган беш кишилик махсус ҳайъат тинчликни мустаҳкамловчи фаолиятлар учун мукофот беради.

1897 йили Нобелнинг мулклари сотилиб бўлгач, 33 миллион швеция кроні ёки 9 миллион доллар тўпланди. Меросхўрлар учун компенсация берилгандан кейин Нобел жамғармасига 31 миллион крон ўтди. Бундан 28 миллиони келтирадиган фоизлар мукофотлар учун ишлатиладиган бўлди. Ҳар йилги даромаднинг ўндан бир қисми асосий фондларни кўпайтириш учун ажратилди. Қолган пуллар 5 қисмга тақсимланиб, мукофот берадиган муассасалар ихтиёрига ўтказилди. Ҳар қайси қисмнинг маълум миқдори Нобел жамғармасининг, Нобел қўмиталарининг харажатларини қоплашга, шунингдек, Нобел муассасаларини молия билан таъминлашга ажратилди.

Ҳар қайси мукофот 1901 йилда 150 минг крон ёки 42 минг долларга тенг бўлди. Бу пул ўша пайтларда фан соҳасида бериладиган энг катта мукофот — Лондон қироллик жамияти Румфорд медалига қўшиб берадиган пул мукофотидан 70 марта, Кембриждаги машҳур Кавендиш лабораториясининг бюджетидан 5 марта кўп бўлган.

Мукофот пули кейинги йилларда 200 минг долларга, 1999-2000 йилларга келиб бир миллион долларга тенг бўлди. Бу — Нобел жамғармаси йилдан-йилга гуллаб-яшнаётганидан дарак беради.

Жамғарма тузилди, пуллар тақсимланди, мукофот тақдирини ҳал қиладиганлар тайин, Устав бор. Хўш, ким қандай вазифани бажаради?

* * *

Ҳозирги кунларда «Нобел мукофоти» деган тушунча катта бир тизимни эслатади. Унда кўплаб муассасалар, илмий-тадқиқот институтлари бор, минглаб ходимлар

❒ Васиятнома атрофидаги шов-шувлар
❒ Меросхўрларнинг қаршилиги
❒ Судлашув
❒ Нобел жамғармаси
❒ Нобел қўмиталари ва экспертлар
❒ Мукофотга кимлар тақдим қилинади?
❒ Мукофот топшириш маросими
❒ Мукофот нима учун берилади?

(Давоми 4-бетда)

ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ

МУХЛИСЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИБ

Дам олиш кунлари футбол мухлислари учун ўзига хос байрам бўлди десак муболаға бўлмас. Боиси, жаҳон чемпионати финалига чиқиш учун астойдил ҳаракат қилаётган футболчиларимиз ажойиб ғалаба билан миллионларни мамнун этишди. Бош терма жамоамиз Уммон футболчиларини қабул қилиб, дарвозага бешта жавобсиз тўп киритдилар. Бу ғалабадан кейин финалга бериладиган йўлланмага умидворлик янада кучайди. Айни кунларда теннис мухлисларига ҳам қувонч улашилмоқда. Ўтган дам олиш кунлари «Юнусобод» спорт кошонаси ҳар қачонгидан гавжумлашди. Бу ерда «Президент кубоги» учун анъанавий халқаро турнирнинг дастлабки саралаш баҳс-

ларидан ўтказилди. Шунингдек, «Болалар куни», «Ота-оналар куни» каби туркумдаги тадбирлар ҳам кўпчиликда яхши таассурот қолдирмоқда.

Шанба куни «Интерконтинентал» меҳмонхонасида асосий учрашувлар иштирокчилари ўртасида қуръа ташлаш маросими бўлди. Маросимда республика Бош вазири ўринбосари Ҳ. Кароматов, халқаро турнир ташкилотчиси С. Какшури, теннисчилардан германиялик Н. Кифер билан швециялик Дж. Бастллар мухбирларнинг саволларига жавоб қайтарар эканлар, халқаро мусобақанинг аҳамияти, нуфузи ортиб бораётгани, ташкилий-тадбирий жиҳатдан юқори савияда ўтказилувчи бундай баҳсга қизиқувчилар сафи ортаётганини мамнуният билан эътироф этдилар. Ташланган қуръага кўра бугунги кунда жаҳон рейтингида учинчи бўлиб турган россиялик Марат Сафин учрашувни саралаш ғолиби

билан ўтказиши маълум қилинди. Унинг ҳамюрти Евгений Кафельников ҳозир халқаро миқёсда еттинчи бўлиб турибди. Евгений биринчи учрашувни 1998 йили Тошкентга келган германиялик Ларс Бургсмюллер билан ўтказади.

Албатта, мусобақада вакилларимизнинг кимлар билан майдонга тушишлари кўпчиликни қизиқтиради. Турнирда узлуксиз иштирок этиб келаётган Олег Огородов бу гал Италия теннисчиси Давид Сангунетти билан куч синашиши эълон қилинди. Вакилимиз Дмитрий Томашевич эса словак Доминик Хрбати билан майдонга тушади. Тўртинчи теннисчимиз Вадим Куценко 1997 йили мусобақада иштирок этган Австрия вакили Стефан Ковбекка рўбарў бўладиган бўлди. Жаҳон рейтингида 29-бўлиб турган германиялик Николас Кифер биринчи ўйинни чех теннисчиси Даниел Васекка қарши ўтказадиган бўлди. Мутахассислар бу сафарги мусобақани ҳам қизғин ва муросасиз бўлиши ҳақида фикр билдирмоқдалар. Кеча кечқурун эса «Президент кубоги» учун саккизинчи марта ўтказилаётган халқаро мусобақанинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

■ **Ҳайдар НОСИРОВ, Матназар ЭЛМУРОДОВ**

МЕРОС

Ўзбекистон халқ ҳофизи, Ўзбекистон Бадиий академияси санъатшунослик илмий тадқиқот институтининг фахрий доктори Ҳасан Ражабий ўз ҳаётини халқимизнинг миллий мусиқа санъатисиз тасаввур қила олмайди. Суҳбатимиз эса асосан миллий меросимиз ноёб дурдонаси бўлган, «Шашмақом», ўзбек мусиқа санъатининг тарихи ва бугуни хусусида кечди.

«ШАШМАҚОМ»

ОЛТИН МАҚОМ

— «Шашмақом»нинг яратилиши ҳамда унинг моҳияти ҳақидаги фикрларингизни билмоқчи эдик.

— «Шашмақом» форсча сўз бўлиб, «олти мақом» деган маънони англатади. У XIX-XX асрда қайтадан ўз шакл-у шамойилига эга бўлди. Асарлар дастлаб форс-тожик тилида ижро этилиб келинган ва отамиз Юнус Ражабий томонидан ўзбек тилига мослаштирилган. Ҳар бир ёзилган мусиқага ўзбекона руҳ сингдирилган. Дастлаб 48, кейин 24, ундан сўнг 12 ва энг сўнггида 6 мақом бўлиб шаклланган.

Бунда мақомлар қисқартирилган экан-да деган фикр бўлмаслиги керак. Аксинча, камчиликлари тўлдирилиб, яхлит ҳолга келтирилиб 12 жилдли китоб — 6 мақом — олтин мақомга айлантирилган. Асарнинг 5-томи тайёр бўлган вақтда отамизнинг бу ишларидан мамнун бўлган замондош санъаткорлар ва ижод аҳли Юнус Ражабий мусиқа санъатининг «Хамса»сини яратди, дейишганлигининг гувоҳиман. У 300 дан ортиқ чолғу куйлари ва қўшиқларни ўз ичига олиб, Бузрук, Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ ва Ироқ мақомларидан иборат.

Мақом — мусиқанинг жойлашиши, парда деганидир. Мусиқанинг ўлчови шеърият даги аруз вазни ўлчовлари билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Шунинг учун бўлса керак ғазал ва мусиқа бирлашиб яхши асарга айланади.

Ҳазрат Навоий шогирдлари ёзган ғазалларни тинглаб унинг мусиқадан қай даражада хабардорлигини аниқлар эканлар. «Муножот», «Гиря», «Мискин», «Ироқ», «Сегоҳ» ва бошқа халқ классик ашулаларида мақомлар билан боғланиш борга ўхшайди. Умуман ўзбек мусиқачилигининг инсоният руҳига нечоғли таъсирини сўз билан ифода этиш мушкул. Ҳар бир инсон борки ундан таъсирланади. Бошқа санъат турларида ривожланиш суст кечаётган бўлиши мумкин. Аммо мусиқа санъати авлодларга жонли етиб келган ягона санъат намунаси. Унинг илдизи эса «Шашмақом»дир. Бу борада немис мусиқашунос олими Ангелика Юнг ўзбек мусиқачилигига таъриф бериб, «куйни тинглаб шунча таъсирландик, сўзини ҳам тушунганимизда тўғри бехиштга кириб қолар эканмиз», — деган экан.

Ҳиндистонда мусиқашунослик симпозиумида «Наво» куйини ижро этганимда 20 дақиқа давомида мухлислар шунчалик куй сеҳрига берилиб кетганларки, ҳозир буни таърифлаш мушкул.

— Мумтоз мусиқачилигимизнинг жамиятимизда тутадиган ўрни қандай?

— Мумтоз куйларимиз миллийлиги, ўзбекона оҳанги билан ажралиб туради. Унинг ёзувлари, ноталари бутун оламга ёйилиб кетди. Улар ноёб дурдонадир. Мусиқа инсониятнинг, умуман жамики мавжудотнинг ҳар кунги ҳамроҳи. Беморларга шифо, мискинларга таянч, жоҳилларга шафқат, ошиқлар дардига малҳам... Ана шундай экан, унинг жамиятдаги ўрни нечоғли эканини айтиб ўтиришга ҳожат йўқ.

— Халқимиз Ражабийлар сулоласини мусиқачиликнинг пири деб билади, десам хато қилмасам керак?

— Отамиз Юнус Ражабий ўз ҳаётларини мусиқашунослик ривожига бахш этдилар. Оналари Ойша биби, оталари Ражаб бобода ҳам бу соҳага хайрихоҳлик кучли бўлган. Отам 1923 йилда Тошкентда мусиқа билим юртини битирганлар. У кишида хотира кучли бўлган. Минглаб куйни хотираларида сақлай олиб устозлардан қунт билан сабоқ олганлар. Мулла Тўйчи, Ҳожи Абдулазиз, домла Ҳалим Ибодовлар у кишининг мураббийлари ҳисобланишади. Ризқи Ражабий, Исҳоқ Ражабийлар бу йўлда отамиз билан ҳамкор бўлишган бўлса, камина ва фарзандларимиз эса баҳоли қудрат уларнинг ишларини давом эттирмоқдамиз. XX аср «Шошмақом»нинг яратилиш асри бўлган бўлса, XXI аср унинг ривожланиш, такомиллашиш асри бўлади. Истиқлол туфайли соҳага кенг йўл очилди. Отамизнинг меҳнатлари янада қадрланди. 1997 йил 100 йиллик таваллудлари муносабати билан «Юнус Ражабий уй музейи» очилди. Шаҳримизда Юнус Ражабий мусиқали билим юрти ҳам фаолият кўрсатмоқда. Буни эса ҳукуматимиз, хусусан, юртбошимиз томонидан санъатнинг юксак қадрланиши деб баҳолайман.

— Халқимизда бир ҳикматли гап бор. Ота касбини улуғлаш керак, деган. Сиз шунга амал қилганмисиз ёки ...

— Аввалambor киши ёшлигидан бирор касбга қизиқиб қолса, у шунга интилади. Қолаверса, мен қўшиқ ва санъат муҳитида тарбия топдим. Ашула айтишга жуда қизиқ қанман. Отамнинг овозлари бас-баритон эди, менинг ҳам овозим шунга жуда яқин. Ёшлигимда устозлар ижро этган ашулаларни магнитофонга ёзиб олиб, эшитиб завқ олар эдим. Меҳнатимни ҳукуматимиз, халқимиз қадрлади. Халқ ҳофизи бўлдим. Келгусида бутун куч-ғайратимни шу соҳани ривожлантиришга, асарлар ёзишга, «Ражабийнома» яратишга бахшида этмоқчиман.

■ **Сулаймон ҲАЙДАР суҳбатлашди**

«БЕШИНЧИ САҲИФА»

«БУ ЁҒИНИ ЎЗИМ БИЛАМАН, УКА»

Шокир ота ўғли Шукуржоннинг уйга диплом билан кириб келганини кўриб, боши осмонга етди. Бу хурсандчилик узоққа чўзилмади, чунки чол ўғлининг ишга осонликча жойлаша олмаслигини кўз ўнгига келтирганди-да! Лекин пенсиясидан йиғиб қўйгани ҳам бор, бунинг устига раис, ҳарқалай, ҳамкишлоқ, инсофга келса ажабмас! Аммо ўғли хотиржам. Менга иш топилади ҳамма ерда, дейди.

— Ўғлим, ўзим сени раиснинг олдига етаклаб борай, — деди чол Шукуржонга. — Қишлоқдан чиқиб кетганингга ҳам беш йил бўлди. Раис кўзидан қочирган бўлса...

Бу ёғидан хотиржам бўлинг, ота дедию, Шукуржон идора томон йўл олди. Бахтига Зокиржон раис хонасида экан. Салом-аликдан сўнг раис йигитга нима ишинг бор, дегандек кўзойнаги остидан қаради.

— Иш сўраб келдим, мана дипломим, — Шукуржон шундай дея тик тураверди. Зокиржон раис дипломдаги ёзувларни ўқиди: зоотехник-зоолингвист...

Шукуржон раиснинг таажжубланаётганини пайқагач, иккита мутахассислигим бор. Иккинчиси, ҳар қандай ҳайвон, паррандаю дарранданинг тилини биламан, деди. Шундан сўнг Зокиржон раис уни бир синаб кўрай деб, фермага олиб борди. Бостирма остидаги сигирлар орасидан тарғили маъраб юборди. Раис Шукуржонга қани, таржима қил-чи, дегандек лабини учирди.

— Насиба соғувчи мени чала соғди, елиним оғрияпти деяпти, — деди «таржимон».

Раис қоровулнинг хотинини чақириб, сигирни соғдирди: ҳаммаси тўғри чиқди!

Шу пайт ферма ҳовлисидаги дарахт тепасида олашақшақ шақиллади. «Таржимон» уни ҳам қойиллатди: учта тухум қўйган экан, қоровулнинг арзандаси тош отиб, биттасини синдирибди! Раис қушнинг уясини текширтирди: бу ҳам тўғри!

— Сен, ука бизга кераксан, — деди раис, — ҳозир нима кўп эгри қўл кўп. Лекин маслаҳатлашиб ишлаймиз, хўпми? Энди чойни уйга бориб ичамиз, янгангга ош буюриб келгандим.

Улар машинага чиқишди. Машина тезлигини оширганда Зокир раиснинг миясига қумурсқа киргандек бўлди: нимага уни олиб боряпти? Энди шарманда бўлади. Ахир, фермадаги отни уйига олиб келганига ўн беш кун бўлдику. Бунинг устига...

Зокиржон раис меҳмонни ҳовлига бошлаганда отнинг такрор-такрор кишнаши, эшакнинг ҳанграгани эшитилди.

— Бу ёғини таржима қилма, ука! Ўзим сендан яхши биламан энди. Раис қизарганича бўлажак ферма мудирини меҳмонхонага бошларкан, бақирди: «Хотин, биз келдик, ошни суз!»

■ **Даврон БАҲРОН**

НОБЕЛ ЖАМҒАРМАСИ ВА УНИНГ «ЭГАЛАРИ»

(Давоми. Боши 3-бетда)

узлуксиз фаолият олиб боради.

Нобел жамғармаси — мустақил, нодавлат ташкилоти бўлиб, фақат молия масалалари билан шуғулланади: хазинани бойитиш, мукофот номзодларини танлаш, мукофот бериш ва маросимларни ўтказиш каби ишларни пул билан таъминлайди. Жамғарма мукофотга номзодлар кўрсатмайди, уларни тасдиқламайди ҳам. Лекин номзод танлаш билан боғлиқ муассасалар ҳамма ёқда жамғарма номидан иш кўрадилар. Норвегия Парламенти томонидан тинчлик мукофотини бериш тартиблари 1905 йил 10 апрелда тасдиқланган.

Нобел мукофоти совриндорларини аниқлаш бўйича барча ишлар 5 кишидан иборат махсус қўмиталар томонидан бажарилади. Швеция Академиясидаги бир қўмита адабиёт соҳасида номзод кўрсатади, 18 кишидан иборат академиклар гуруҳи тасдиқлайди. Швеция қироллик Фанлар Академиясида физика, кимё ва иқтисодиёт соҳаларида учта қўмита бор. Улар кўрсатган номзодларни ҳар соҳа бўйича 25 кишидан иборат академиклар гуруҳи тасдиқлайди. Қироллик Каролин тиббиёт-хирургия институтидаги бир қўмита номзод тайёрлайди, 50 кишилик ассамблея тасдиқлайди. Норвегия Парламенти қошидаги бир қўмита номзод тайёрлайди, Парламент эса тасдиқлайди.

Мукофот номзодларини танлаш узлуксиз ва машаққатли, беш киши бажарадиган иш эмас. Шунинг учун қўмитага экспертлар ва мукофот берадиган муассаса қошида ташкил этилган «Нобел институт»лари ёрдам беришади. Институтлар мустақил тарзда тадқиқотлар ҳам олиб борадилар.

Ҳар йили Нобел қўмиталари машҳур олимларга минглаб хабарномалар юбориб, Нобел мукофотига арзийдиган ҳамкасабалари ҳақида таклиф беришни сўрайдилар. Швеция қироллик Фанлар Академиясига ҳар йили янги номзодлар таклиф қилиш ҳуқуқи берилган. Скандинавия мамлакатларидаги саккизта дорилфунун профессорлари, шунингдек, Нобел мукофоти совриндорлари ҳам шундай ҳуқуққа эга. Номзодлар танлашда иштирок этиш сўралмаган шахслар ва ташкилотларнинг таклифлари кўриб чиқилмайди.

Номзодларни танлаб олишда Нобел қўмиталари машҳур илмий марказлар билан бир қаторда унчалик номи чиқмаган дорилфунунларни ҳам жалб этадиларки, бу иш, иложи борича кенгроқ жамоатчилик фикрини билиш имконини беради.

Нобел мукофоти совриндорларини танлаб олиш учун жуда катта иш бажарилади. Масалан, мукофот бериладиган ҳар бир соҳа бўйича номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган 1000 кишидан 200-250 киши номзод кўрсатади. Таклифлар кўпинча бирбирига мос келиб қолгани сабабли номзодлар сони яна камаяди. Адабиёт соҳасида 100-150 номзоддан биттаси, гоҳида иккитаси танланади. Таклиф этилаётган номзод биринчи галдаёқ мукофот олиш ҳолати кам учрайди, аксари номзодлар бир неча йил давомида тақдим этиладилар.

Нобел мукофоти совриндорларини танлаш ёпиқ эшиклар ортида ўтказилиши халқаро матбуотда танқид қилиб турилади. Махфийлик ҳақидаги шикоятлар ҳақида шуни айтиш мумкинки, бу — қабул қилинган тартиб, Нобел қўмиталарининг фикрлари ва таклифлари тайинланган 50 йил ўтмагунча, оммага эълон қилинмайди. Бундан ташқари, мукофотлар ҳақида илгари сурилган эътирозлару шикоятлар кайд қилинмайди ҳам, эълон қилинмайди ҳам.

Амалда битта мукофотга даъвогарлик қиладиган бир нечта номзодлар чиқиб қолиши мумкин. Бунда Васиятда ва Уставда айтилган тўртта муассасанинг академиклар гуруҳи, ассамблея, Норвегияда — Парламент узилкесил қарор қабул қилади.

Номзодлар ҳақидаги таклифлар Стокгольмга биринчи февралдан кечикмай келиши зарур.

Шу вақтдан бошлаб то сентябрнинг охирларигача Нобел қўмиталари жадал ишлайдилар, октябрда таклифлар узил-кесил қарор қабул қиладиганларга тақдим этилади. Ниҳоят, янги совриндорлар ҳақидаги хабар Альфред Нобел туғилган кун — 21 октябрда бутун дунёга эълон қилинади.

* * *

Нобел мукофотларини топшириш маросими катта тантана билан, Швециянинг қадимий анъаналарига риоя қилинган ҳолда ўтказилади. Бу маросим ҳақида қатор адиблар ўз таассуротларини ёзиб қолдирганлар. Масалан, Иван Бунин, Пабло Неруда эсдаликлари ўқувчини ўша тантаналар ичига олиб киради.

Мукофот топшириш воқеалари бир ҳафтадан кўпроққа чўзилади. Швеция учун бу кунлар — байрам. 10 декабрда «Нобел куни» нишонланиб, миллий байроқ кўтарилади. Янги совриндорлар Стокгольмга келган заҳоти журналистларга интервью беришади, мамлакат раҳбарлари ва дипломатик вакиллар билан учрашадилар, Нобел қабрини зиёрат қиладилар.

10 декабрь эрта тонгда ҳамма совриндорлар Стокгольм филармониясининг концерт залига тўпланишади. Мукофотларни топшириш маросими репетиция қилинади, чунки у жуда тантанали ва эски замонлар тартибида ўтказилиши керак. Совриндорлар протоколда ёзилганидек, қатъий расмий кўринишда кийинишади. Уларнинг кўпчилиги фракларни Стокгольмда ижарага олишади.

Ўша куни кечқурун икки мингга яқин одам сиғадиган улкан залда мукофотлаш маросими ўтказилади. Аввалига Альфред Нобел хотирасига бағишланган маъруза бўлади, кейин ҳар бир лауреатни бир академик, залда ҳозир бўлганларга таништиради, қирол олийҳазрат шахсан мукофотларни топширади. Қандай юриш, қандай туриш, ҳаммаси жуда аниқлик билан ишлаб чиқилган. Маросим мукофотланганларнинг ҳар бири учун алоҳида-алоҳида такрорланади.

Тантана тугагач, Стокгольм шаҳар ратушасида катта зиёфат берилади. Бу ерда қирол вориси қироллик уйи аъзолари билан ҳозир бўлади, совриндорлар қисқа нутқ сўзлайдилар, уларнинг бўлажак ютуқлари учун қадаҳлар кўтарилади. Нобел ҳотираси учун ҳам қадаҳ кўтарилади.

Тинчлик мукофотини топшириш маросими Осло университетининг ассамблеялар залида, Норвегия қироли ва унинг оила аъзолари иштирокида ўтказилади. Совриндор мукофотни Нобел қўмитаси раиси қўлидан олади.

Совриндорлар ярим йил мобайнида Стокгольмда маъруза қилишлари лозим. Улар мукофот топшириш маросимига келолмай қолган тақдирда, мукофотни мамлакат элчиси ёки совриндорнинг ишончли кишиси қабул қилади. Совриндор ўз нутқини ва маърузасини ёзма ҳолда юбориши мумкин.

Совриндор ҳақидаги ҳамма маълумотлар Нобел архивига топширилади, ҳар йили чиқариладиган журналда босилади.

* * *

Мукофот нима учун берилаётгани Нобел қўмитаси томонидан аниқ таърифлаб берилади. Масалан, бир нечта олим ва адибга берилган таърифларни кўрайлик.

Эйнштейнга: «назарий физика соҳасидаги хизматлари ва, айниқса, фотоэлектрик эффект қонунини очгани учун».

Вильгельм Рентгенга: «кейинчалик ўзининг номи билан аталган ажойиб нурларни кашф этиб, фан олдида мислсиз муҳим ютуқларни қўлга киритгани учун».

Ясунари Кавабатага: «япон миллий онгининг моҳиятини очиб берган ёзувчилик маҳорати учун».

Рабиндранат Тагорга: «ўзининг сўзлари билан айтганда, ғарб адабиётининг бир қисми бўлиб қолган поэтик мушоҳадаларини тенги йўқ маҳорат билан ифода этган гўзал, оригинал ва чуқур ҳиссиётли шеърлари учун».

Бернард Шоуга: «идеализм ва гуманизм билан суғорилган ижоди, мислсиз поэтик гўзаллик билан чоғиштирилган, ўт чақнатувчи сатираси учун».

Томас Маннга: «энг аввало, ҳозирги замон адабиётида мумтоз бўлиб қолган ва оммавийлиги ортиб бораётган «Бруденброкклар» номли улуғ романи учун».

Томас Элиотга: «замонавий поэзияга қўшган улуғ новаторлик ҳиссаси учун».

Эрнест Хемингуэйга: «Чол ва денгиз»да яна бир марта намойиш этилган ҳикоянавислик маҳоратига, шунингдек, замонавий прозага таъсири учун».

■ **Қудрат ДЎСТМУҲАММАД**

Пищевые комплексы технологии SAS

TECHNOLOGY

РЕВОЛЮЦИЯ в пищевой промышленности

Технологическое оборудование по производству:
ДРОЖЖЕЙ, МУКИ, ТЕСТА, РАСТИТЕЛЬНОГО МАСЛА, МАКАРОН, МАРГАРИНА, КОМБИКОРМОВ

Любое технологическое оборудование в области пищевой промышленности по заказу клиента

Проектирование и сдача комплексов "под ключ"
Реконструкция и модернизация действующих производств
Содействие в составлении технико-экономического обоснования

Доказательство успеха: сотни комплексов работающих во многих странах мира

ANA GROUP

Офис в Стамбуле - Тел.: (0212) 249-46-56 (pbx), Факс: (0212) 251-35-28
Офис в Москве - Тел.: (007-095) 941-86-59, Факс: (007-095) 941-86-60
Офис в Ташкенте: ул. А.Темура, 107-б, 5-й этаж, комната А-9
в здании Международного Бизнес Центра
Тел.: (998-71) 101-56-88, 120-79-84, 120-79-85. Факс: (998-71) 120-79-86
Web site: www.sas-tech.com
e-mail: sas@sas-tech.com

INDIA, TURKEY, NETHERLANDS, BULGARIA, RUSSIA, FRANCE, UKRAINA, ALGERIA, ROMANIA, TUNISIA, MEXICO, KAZAKHSTAN, AZERBADJAN, EGYPTE, IRAN, TANZANIA

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

2001 ЙИЛ 12, 26 ОКТЯБРЬ ВА 9, 23 НОЯБРЬ КУНЛАРИ КИМОШДИ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

САВДОЛАР СОАТ 10.00 ДА БОШЛАНАДИ.

САВДОГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

«4-Стройтрест» очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг Чилонзор тумани, 3-квартал, 28-уйда жойлашган, умумий майдони 957,0 кв.м бўлган 3 қаватли бино. **Бошланғич нархи — 31546600 сўм.**

«МБ-Механизатор» очиқ турдаги акциядорлик жамиятига тегишли бўлган Сергели тумани, Нилуфар кўчаси, 16-уй манзилида жойлашган:

— ошхона биноси. **Бошланғич нархи — 4005782 сўм.**

— Умумий майдони 5771,0 кв.м. бўлган бино ва иншоотлар мол-мулки билан биргаликда. **Бошланғич нархи — 121883111 сўм.**

Хўжалик ҳисобидаги Республика кўчмас мулк давлат кадастри махсус хизматининг Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Эшон Бобохон кўчаси, 67а-уйда жойлашган, умумий майдони 693 кв.м. бўлган, 2 қаватли ётоқхона биноси. **Бошланғич нархи — 10189422 сўм.**

«Кимёномаъдангеология сервис» очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг Тошкент шаҳар, Акмал Икромов тумани, Овбодная кўчаси, 5-уйда жойлашган, умумий майдони 459,0 кв.м бўлган, қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотлари. **Бошланғич нархи — 3422300 сўм.**

Тошкент давлат иссиқлик электр станциясининг Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, «ТошДИЭС» микрорайонида жойлашган ўйингоҳи (стадиони) мол-мулки, асосий воситалари билан биргаликда. **Бошланғич нархи — 40000000 сўм.**

«УМИТ» АЖнинг давлат белгиси 39-99 ТНБ бўлган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган «ЗИЛ-ММЗ-4502» русумли автотранспорти. **Бошланғич нархи — 1 млн. 121 минг 629 сўм.**

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 69-уй. Метронинг «Алишер Навоий» бекати. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI
ÓZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56, 136-55-16
Axborot — 133-12-56
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16;
Buxoroda — 222-10-92;
Gulistonda — 25-03-80;
Jizzaxda — 5-49-85;
Navoiyda — 3-39-20;
Namanganda — 6-43-43;
Nukusda — 222-70-12;
Samarqandda — 35-20-54;
Toshkentda — 136-53-16;
Urganchda — 226-51-35;
Fargonada — 26-43-62;
Qarshida — 4-61-35;
Termizda — 3-79-98.

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Sulaymon HAYDAROV

Gazeta «Ozbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: *Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.*

Gazeta Ozbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«Ozbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 2802

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 24.00
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA